



Ishonch

Соҳият

Эзгулик
адолатсизлик
қилмасликки-
на эмас,
уни истамас-
лик ҳамдир.
ДЕМОКРИТ

Ўзбекистон қасба уюшмалари Федератсияси нашри Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрел куни расмий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

Москва, 19 апрел. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрел куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрелга мўлжалланган. Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Пул муомаласи тизимини таъкомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банклардан ташқари нақд пул айланишини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда илгор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш максатлидир.

1. Республикада пластик карточкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилгани маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу механизмга биноан:

ҳар бир пластик карточка эгаси карточка ҳужжатидидаги пул маблағларини тасаруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами (ПИН-код)га эга бўлиб, у нотўғри терилган тақдирда пластик карточка автоматик тарзда блоктировка қилинади; бегона шахсларнинг сохта-лаштириши ва ружасиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микрочипли модуллар ва маълумотларни шифрлайдиган турт погонали тизимга эга пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона «Ўзқарт» тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда;

пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда миқозлар ҳисоб-рақамидан маблағ ениш ва унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилади, бу миқозлар ҳамда сотувчиларни турли қалдობлик ва алдовлардан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларни пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий тизимли назоратни таъминласин, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохта-лаштириш ҳамда фирибгарликларни истисно эътадидан

(Давоми 2-бетда)



амаанглик хусусий тадбиркор Неймат Фатхиддинов савдо йўналишида фаолият кўрсатиб келган «Люкс Плюс Сервис» хусусий фирмаси негизда ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди.

Корхона учун замонавий лойиҳа асосида барча қулайликларга эга бино барпо этилди. Лизинг йўли билан хориджан тивув дастгоҳлари ва ёрдамчи технологик жиҳозлар олиб келиниб, эркалар костюм-шимми ҳамда палтолари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда «Levent» савдо ёрлиги билан тайёрланган замонавий бичимдаги юқори сифатли либослар истеъмол бозорида тобора харидорлар бўлмақда.

— Ўтган йили 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, бир қисmini экспортга чиқардик, — дейди тадбиркор Неймат Фатхиддинов. — Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда тегишли ташкилот ва муассасаларнинг кўмаги билан ишлаб чиқариш, шунингдек, экспорт ҳажминини янада ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Суратларда: «Люкс Плюс Сервис» масъулияти чекланган жамияти тивувчиси Дилшода Ботирова; тайёр маҳсулотлар.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда



Истиқлол шарофати

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяйдиган бепоён кенгликлар бугунги кунда ўзлаштирилиб, фермерлар ихтиёрига топширилган. Бундан бир неча йил аввал шу ерда яшовчиларнинг хоши-иродаси билан «Малиқобод» номини олган собик Малиқчўл йилдан-йилга боғу бўстонга айланиб бормоқда.



Замонавий уйлар — замон кўрки

Ўтган йили Кармана тумани ҳудудидидаги Ҳазора ҳамда Қизилтепанинг шу ҳудудга туташ «Малиқобод» массивларидан янги тилдаги уй-жойлар қурилиши ёппасига бошлаб юборилган эди. Айни паллада бахтиёр оила азорлари ана шу янги уйларга биринкетин кўчиб келишаётди.

Янги уйлар шарт-шароитини ўрганиш мақсадида Қизилтепа тумани «Малиқобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида қад ростлаган турар жойлар кўрсаткичи таширф буюрдик. Уйлар аллақачон ўз эгаларига хатланиб, қалитлар топширилибди.

— Қурилишнинг сифатли ва миқозлар дидига мос бажарилишида тумандаги 9-қўйма механизациялашган корхона, «Бунёдор сервис», «Қизилтепаку-

рилишсервис», «Қизилтепабетонсервис» каби корхоналар жамоалари уюшқоқлик билан меҳнат қилиши, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбон Ваҳобов. — Бир вақтнинг ўзиде янги гузарда ҳам бунёдорлик ишлари давом этаётди. Қишлоқ врачлик пункти, 240 ўқувчига мўлжалланган мактаб, мухташам спорт зали аҳоли учун хизмат кўрсата бошлаган. Янгитурлар қурилатган 7 турдаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхона, марказий дорихона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари янги шахарчининг келажагига қафолат бераётгандек. Эгаларига топширилган 20 та янги уй ёнидан яна 20 та турар жой учун иплар тортилган. Мамлакатимиз мустақил-

лигининг 19 йиллиги арафасида улар ҳам фойдаланишга топширилади.

Меҳридин Яхшиев, Нуриддин Ҳабивулларнинг хонадонида бўлиб, яратилган шароитлар билан танишдик. Турар жой 4 та асосий хонадан иборат, олди пешайвон. Иссиқ-совуқ сув, электр ва иситиш тизими мослашган бир маромада ишламоқда.

— Миқозларнинг таклифи биз учун гоят муҳимдир, — дейди 9-қўйма механизациялашган корхона раҳбари Файёзхон Нисомов. — Уларнинг ҳар бири ўз дидига мос, қулай ва шинам уйларда яшашни хошлайди. Биз уларнинг бекаму кўст ҳаёт кечиришига хизмат қилаётганимиздан мамнунми.

А. МАНСУРОВ



Факт ва рақамлар



Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастури қишлоқларни замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шахар шароитига яқинлаштиришга хизмат қиладди. Узоқ истиқболга мўлжалланган ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун кучли лойиҳавий, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник салоҳият ва зарур ташкилий тузилмалар яратилди, рағбатлантириш чоралари ва преференциялари ишлаб чиқилди.

Махсус ташкил этилган банк ва унинг жойлардаги филиаллари орқали 2010 йилда ушбу мақсадлар учун 390 миллион доллар эквивалентиде маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда, бу 2009 йилдаги кўрсаткичдан 4 баробар кўпдир. Бунда жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, уй-жой қурувчиларнинг маблағлари 80 миллион доллардан ошди. Барча қишлоқ туманлариде умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 7600 дан орткик уй-жой қуриш мўлжалланмоқда.

Барқамол авлод — мамлакат келажаги

Эътибор ва ғамжўрлик

Миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини янада оммалаштириш, ёшлар қалбида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш қасба уюшмалари фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бирига айланиб бораётти. Бугунги кунда институтимизда 3398 нафар талаба тахсил олаётган бўлиб, ўқув йили бошидан буйун уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқишдаги муваффақият ҳамда илмий ва жамоат ишларидаги алоҳида ютуқлари учун талабаларимиздан 1 нафари Ибн Сино номидидаги давлат, 2 нафари вилоят қасба уюшма, 1 нафари «Қамолот» ЁИХ стипендиялари ва 1 нафари «Қамолот-грант»га сазовор бўлишди.

36 нафар мудатли ҳарбий хизматни тугатиб, институтда тахсил олаётган талабанинг ҳар бирига «Қамолот»-ЁИХ томонидан контракт пулининг 35 фоизи тўлаб берилди.

Институт маъмурияти ташаббуси билан 2009 йилда 16 нафар етим, боқувчисини йўқотган, ногирон ёки ногор оилалардан бўлган талабаларга олаётган стипендияларига қўшимча 10000 сўмдан тўланди. 1560 нафар кам таъминланган, етим ва фаол талабаларнинг ҳар бирига 50000 сўмдан моддий ёрдам берилди.

Талабалар турар жойида жамоатчи талабалар таркибидан иборат кенгаш бўлиб, ётоқхонада яратилган шароитлар кишида ҳавас уйғотади. Ҳар бир қаватда овқат тайёрлаш хонаси мавжуд. 100 ўринли ошхона, овқатланаш зали талабалар ихтиёрида.

Бундан ташқари, Талабалар турар жойида «Маънавият-маърифат», «Зулфияхоним қизлари», «Репродуктив саломатлик» хоналари, тиббий хизмат кўрсатиш пункти, 3400 китоб фондига эга кутубхона фаолияти кенг йўлга қўйилган. Шаҳар ва шахарлараро телефон алоқаси, видеокузатув, марказлашган радиоузел ўрнатилган.

Талабаларнинг дарс тайёрлашлари учун барча шароит яратилган бўлиб, ҳар бир қаватда алоҳида ўқув хонаси мавжуд. 24 ўринли ўқув зали шинам безатилиб, стол-стуллар билан таъминланган, шунингдек, интернет тармоғига уланган 12 та компьютердан иборат синф ҳам ташкил қилинган. Талабалар турар жойи қошида «Заковат» интеллектуал, «Ёш ижодкорлар» ҳамда спортнинг 5 тури бўйича спорт тўғараклари фаолият юритмоқда.

2009 йил якуни бўйича институт қасба уюшмаси қўмитаси томонидан ўтказилган «Институтимиз фахри» тақдимида фаол иштирок этган бир гуруҳ талабалар моддий рағбатлантирилди.

Вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2008-2009 ўқув йиллари якунлари бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Энг намунали талабалар турар жойи» вилоят тармоқлараро қўрик-танловиде 1-Талабалар турар жойи ранглии телевизор билан тақдирланди.

Шуқур ЮСУОВ,
Самарқанд давлат тиббий институти
талабалар қасба уюшма қўмитаси раниси

МАЪНАН ЕТУК ВА КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ

ВИЛОЯТИ

Оммавийлик сари йўл

Болалар катталарга тақлид қилишни яхши кўради. Шунинг билан...

этиш орқали жисмоний тарбиянинг оммавийлигини ошириш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

мақсадида виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда Булоқбоши туманидаги «Шифокор» оромгоҳида мусобақа ташкил этилиб, болаларга совғалар улашилди.

Қодиржон РИЗАЕВ, виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

Оммавийлик сари йўлини ўзимиздан бошлашимиз лозим. Шундан кўзлаган мақсадга етишимиз мумкин бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш

Андижон виллоятининг пойтуга шаҳридаги ака-ука Мамажоновлар спорт клубида юнон-рум кураши бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 140 нафар ўсмир иштирок этиб, 8 вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Полвон курашда чиниқади

Ўсмирлар гиламга чиққан, бахслар қизиқарли туюлди. Бунга сабаб эса қўлибларнинг терма жамоага қабул қилиниши эди.

Қолган вазиларда тошкентлик Ф.Тўхтаев (50 кг.), А.Лохов (60 кг.), Б.Салтаев (74 кг.), виллоят вакиллари Т.Қамбаралиев (66 кг.), навойийлик С.Фаттоев (84 кг.), бухоролик О.Жоллиев (90 кг.), самарқандлик И.Ниязов (120 кг.)лар шох-супанинг юқорисидан жой олди.

Ушбу мусобақа янги номларни кашф этиш билан бирга, спортнинг юнон-рум курашига эндигина кириб келган болалар учун маҳорат мактаби бўлди.



Қарор ижроси таъминланмоқда

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури

тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида виллоятда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Виллоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 27 та мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатаёпти. Уларда 2905 нафар ўғил-қиз

мусиқа, ракс, эстрада ва тасвирий санъат йўналишида таълим олади. Утган йилда Хўжаобод туманидаги 9-мусиқа ва санъат мактаби 377 миллион сўмга реконструкция қилинди.

Бўлажак нафосат маликалари

Улуғнор туманида истиқлол йиллари болалар спортга эътибор кучайди. Туманда 5-типдаги спорт мажмуаси барпо этилганига 6 йил бўлди.

Баъзилар спортнинг нафис тури бўлган бадий гимнастиканинг чўлда ривожланаётганига ишончсизлик билан қарайди. Бироқ Улуғнорга бориб, Улуғбек Пулатов раҳбарлик қилаётган тўғрақики курганлар қизларнинг маҳоратига қойил қолмоқда.

талаб этилади. Улуғбек шогирди, Андижон спорт коллежи талабаси Севара Камолова билан гимнастикачиларнинг тўп, халқа, арқон билан ҳаракатларини сайқаллаштириб бормоқда. Тумандаги 20-мактабнинг 8-синфда ўқувчиси Мадина Нурматовна ютуқлари билан болаларга намуна бўлмоқда. У виллоят, водий бўйича

ўтказилган мусобақалар шогирди, Андижон спорт коллежи талабаси Севара Камолова билан гимнастикачиларнинг тўп, халқа, арқон билан ҳаракатларини сайқаллаштириб бормоқда. Тумандаги 20-мактабнинг 8-синфда ўқувчиси Мадина Нурматовна ютуқлари билан болаларга намуна бўлмоқда. У виллоят, водий бўйича



Олтинқўл туманидаги БЎСМда 20 йилдан буён волейбол бўйича мураббий бўлиб ишлайман. Истиқлол йилларида жисмоний тарбия ва спортга эътибор тубдан ўзгаргани, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам болалар спортга катта аҳамият берилётгани мени жуда қувонтиради.

Эзгулик мевасини беради...



Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган аёл мураббийлар меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини ошириш ҳақидаги қарори қалбимда катта қувонч уйғотди. Гап иш ҳақининг ошишида эмас, бизга бўлган эътиборда.

раббийлар учун анча мушкул юмуш. Шу боис аёллар меҳнатига тўланадиган ҳақнинг оширилганини адолатли деб ҳисоблайман. Хали бу қарор мевасини бериб, қизларимиз ўртасида жаҳон ва Осиё чемпионлари кўпайишига хизмат қилади. Мен бунга ишонаман.

Дил сўзи

Фарида ХАЙРУДИНОВА, Олтинқўл туманидаги БЎСМ мураббийи

Аёл киши учун тренер бўлиб ишлаш анча машаққатли. Бунинг ўзим бошдан ўтказдим. Турли мусобақаларга бориш, унда муносиб катнашиш, сафар тадориги — булар аёл му-



Кўчсаҳифани «Ishonch» муҳбири Абдулхай ЮСУФОВ тайёрлади.

(Боши ўтган сонларда)

Ногоҳ хиянига нисбатан ноҳақлик қилган Охун афсус-надомат домига ботибди: — Қани эди, Соқибой ёнимда бўлса. Ишқибозлик ишқибозлик-да, Соқибой кўмирни манзилга ташлаб, ар...



Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

Кўпқари гурунглари

— Бўш келма, чавандоз, бўш келма, улоқ ердан узилди, бир оғи чил отда, иккинчиси қашқа отда, ҳалол ажрим қилганининг зотини оши...

Кизилмозорда Соқибой чавандоз ҳақида ривоятноманд гурунглари кўп эшитдик, улардан бирини қишлоқ кексаларидан Жума бобо айтиб берди. — Ҳали асрнинг йиғирманчи йилларида бўлган бу воқеа. Элининг сара йиғитларидан бир қисми босмачи аталиб тоғу тошларга чиқиб кет...

(Давоми бор)

Тошкент виллояти Юқори Чирчиқ (соёқ Коммунистик) туманидаги 11-ўрта таълим мактаби томонидан Мирзахмедов Асхат Пернебековичга 1992 йил 25 июнда берилган А №025116 рақамли аттестат йўқолганига сабабли бекор қилинади.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ўтган йили Фурқат туманининг Кичик Янги кишлоғида қуриб, фойдаланишга топширилган Маийшй хизмат ва педагогика касб-хунар коллежида 488 нафар ўқувчи тахсил олмоқда.



Бу ерда бозор иқтисодиёти шарт-шароитларига мос олти касб-хунар йўналишида ўқийётган ёшлар учун барча шарт-шароит муҳайё. Замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ҳамда кўргазмали куруллар, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрига берилган.

Суратларда: биология фани ўқувчиси Салима Каримова ўқувчилар билан машғулот пайтида; 1-босқич талабаси Нилуфар Ҳурноза; талабалар компьютер хонасида.

М. ҚОДИРОВ (Ўза) олган суратлар



Репортаж

Куй қўшиққа уланди

Кибрай туманидаги энергетика касб-хунар коллежининг маданий маркази биноси байрамога безатилган. Унга кираверишида бир онахоннинг куйидаги сўзлари эътиборини тортди: «Набирам Гулсара шу коллежда ўқийди. Бугунги концертда у ҳам қатнашади». Биз фурсатдан фойдаланиб, Республика ёқилги энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакили Мавжуда Халиловани суҳбатга тортдик.



— Ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқийёс. Шу боисдан ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига биноан Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежларида таълим олаётган ёшлар иқтидорларини яна бир бор намойён қилишлари учун ушбу аънавий санъат фестивалини ўтказишни режалаштирғандик. Бугун Қибрай энергетика ва Ангрен кимё sanoati касб-хунар коллежларининг талабалари адабиёт, мусиқа, аънавий ижрочилик, якка чолғучилик, якка рақс ҳамда жамоавий рақс бўйича ўзаро куч синашишди. Фолибларга республика босқичига йўлланма берилди.

Залда куй-қўшиқ янгради. Эстрада қўшиқчилиги йўналишида Хуршид Абдувалиев ҳамда Музаффар Саидовнинг чиқишлари, мақом йўналишида Дилшод Далибоев ва Зафар Маъсуповларнинг кишини сел қилувчи хонишларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди. Якка чолғу ижрочилиги соҳасида бахсга киритилган ангреллик Бахтиёр Мерганов доирасини «сайратганда», томошабинлар ҳам рақсга тушиб кетишди.

— Бугунги санъат фестивали биз санъатга иштиёқманд ёшларни янги-янги марралар сари руҳлантиради, — дейди фестивалга қатнашчиси Айдар Кушанов. — Бундай тадбирлар нафақат аъло баҳола билан ўқинишимизга, балки оқди бир хаваскор сифатида санъатда ўз ўрнини топишимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Санъат фестивалида иштирокчиларнинг барчаси вилоят вақиллигининг қимнатбах омагалари билан тақдирланди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

Бугунги ёшлар

Ота касбини улуғлаб

Саиджон ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ электрик касбига меҳр қўйган. Чунки дадаси Раҳимжон ака узоқ йиллардан буён шу соҳада хизмат қилар, катта акиси Раҳмонжон ҳам ота касбини танлаган эди. Шунинг учун Саиджон ҳеч бир иккиланмасдан Фарғона политехника институтининг энергетика факултетига ҳужжатларини топширди. 2004 йил ўқиниши битириб, тўғри Данғара электр тармоқлари корхонасига келди. Дастлаб электромонтёр бўлиб иш бошлаган Саиджонга олган билимлари асқотди. 2007 йили юридик миҳозлар бўлими назоратчиси лавозимига ўтказилди.

— Бугунги ёшларнинг билим ва иштиёқларига ҳавас қиламан, — дейди кор-

хона миҳозлар бўлими бошлиги Акмалжон Аскарлов. — Энергетика тизимида ишлаш, миҳозлар билан ҳисоб-китоб қилиш, линиялар созлиги ва бошқа жиҳатлар катта билим ва ташаббускорлик талаб этади. Саиджондек билимли ва салоҳиятли ёшлар бизнинг таянчимиз. Данғара туман электр тармоқлари корхонаси 121 та юридик миҳозга хизмат кўрсатади. Бўлимда бошқа иштеймолчилар сони 1630 тани ташкил этади. Гуруҳ қурмакисиз бўлмаганидек, электр-энергиясидан ноқонуний йўлар билан фойдаланаётган миҳозлар ҳам учраб туради.

Жорий йилнинг биринчи чорағида шундай ҳолатлардан 16 таси аниқланди, 4 млн. 871 миғс сум жарима ундирилди. Қолган 13 нафар электр «ўғрилари» нинг иши судга оширилди. — Айниқса, юридик мақомдаги иштеймолчиларнинг ноқонуний ҳаракатларини оқлаб бўлмади, — дейди Саиджон. — Биз тушунтириш ишлари олиб бориш билан берга, назоратни кучайтираёёмиз. Зеро, қимматли электр-энергиясини исроф қилмасдан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчидир.

А. ЮНУСОВ

Тадбир ва ижро

Қонун ҳимоясида

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ижроси юзасида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилган тақдирнинг ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, шундай тадбирларнинг бирида «Пахтачи тоза сув» сувдан фойдаланиш уюшмасида фуқароларнинг манфаатлари сабабсиз бузилаётганлиги аниқланди. 2010 йил 1 январь ҳолатига оладиган бўлса, иш ҳақидан қарздорлик мазкур уюшмага бўйича 39076 миғс сумни ташкил этаётди. 40 нафар меҳнат аҳли орасида Мадина Ҳасанова, Турсунмурод Расулов, Қунузқоқ Явқочев, Раҳима Явқочева, Сайдулла Эшқувватов сингари тўланмаган иш ҳақлари ҳатто 1 миллион 200 миғс сумни қоралаб қолган аъзолар ҳам талайгина.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тартибидидаги текширув жараёнида туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимида ҳам 29 ҳолатда ишчи-ҳодимлар иш ҳақидан қарздорлик юзга келганлиги аниқланди.

Туман «Сувоқлава» ишлаб чиқариш давлат корхонасида эса ана шундай текширишлар давомига 12 нафар фуқаронинг иш ҳақини вақтида ололмаганди сарсон бўлаётгани маълум бўлди.

Туман прокуратураси аниқланган ҳар учала ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига даъво аризалари киритган эди. Ҳозирда барча ҳолатларда қайд этилган қарздорликлар тўла қопланиб, ҳар учала корхона раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Меҳнат Кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган шартларга мувофиқ тўлаши шартлиги, 161-моддасида эса меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Э.Г. мамни йўлаган, иш унумдорлигидан манфаатдор бўлган ҳар бир раҳбар бу тартибни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги лозим.

Муродулла МАЪДИЕВ, Пахтачи туман прокуратураси ёрдამчиси

— Маълумки, Конституциямизда барча маданият ёдгорликларининг давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Бундай эътиборнинг асл моҳияти нимада?

— Биласизми, ўз тарихи, маданий мероси, урф-одатларини эъзозлаган миллатгина келажак авлодга бахт, фаровонлик ҳада эта олади. Бундай бахт тўқислигига эришиш ҳар биримиздан ўзига хос жонқурлик, фидойилликни талаб этиши табиий. Асрлар мобайнида шакланган, жамланган меросимиз нафақат ўзбек давлатчилиги ривожланишига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир.

Агар давлат ҳимоясида бўлган осору атиқаларни ҳисобга оладиган бўлса, маданий мерослар 7570 та, мейморий обидалар 2330 та, ҳайкал ва монументал санъат намуналари 1138 та, археология 2495 та, диққатга сазовор зиёратгоҳлар эса 157 тани ташкил этади. Излаш ва ўрганишлар самараси ўларок, бу кўрсаткичлар йилдан йилга ўсиб бораётди. Биргина 2009 йилда Фарғона, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида 510 та ана шундай масканлар аниқланди ва ҳозирда уларни ҳисобга олиш, таъмирлашни молиялаштириш ишлари давом этирилмоқда. Асрлар давомига сайқал толган қадимий шаҳарларда кундан кунга кўрк очаётган бундай обидалар Ватанимизнинг нақадар улуғворлиги, бетакрор мафтункорлигидан далолат беради.


Мейморий тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш, ўрганиш, уларни таъмирлаб, келажак авлодга етказиш ҳар биримиздан эътибор ва фидойиллик талаб этади. Шу нуқтаи назардан ҳалқимиз онгида миллий ифтихор, истиқбол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришдек эзгу мақсадга йўналтирилган «Мерос» Давлат дастури мавсумий эмаслиги билан аҳамиятлидир.

— Дастур моҳияти ва аждодларга эҳтиром рамзи сифатидаги ишларга батафсилроқ тўхталсангиз. — Юртимиздан етишиб чиққан, дунёвий илм-маърифатга бебаҳо

улуш қўшган аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Биргина Имом ал-Бухорий қисматини олайлик. Ҳозир ҳам мусулмон оламида ул зот томонидан яратилган «Ал-Жомий ас-саҳих» китоби бебаҳо аҳамият касб этади. Табаррук бобо-калонимизнинг узоқ йиллар ярим хароба ҳолида бўлган Хартағ (Самарқанд) кишлоғидаги қадимий мустақиллик туғайли қайта таъмирланди.

Маданий мерос — миллат кўзгуси

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош босқармаси бошлиги Равшан МАНСУРОВ билан суҳбат



Ислол оламида фарз амаллари борасида шундай гап бор: «Агар ҳақ зиёратини ихтиёр этмоқчи бўлсанг, дастлаб Имом ал-Бухорий қабрини зиёрат қил». Бугунги кунда мазкур худудда қад ростилаган, дунё мусулмонлари томонидан беҳад улуғланадиган ҳадисшунос олим номига қурилган мажмуа табаррук масканлардан бирига айланган.

Аҳмад ал-Фарғоний, Абдулҳолик Фиждовоний, Хўжа Аҳрор Валий, Имом ал-Мотурудий, Амир Темур, Алишер Навоий каби улўғ зотлар таваллуд тўйлари муносабати билан ҳам аждоғи зиёратгоҳлар бунёд этилди.

1991-2009 йиллар давомига давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига кенг қўламли реставрация ва консервация ишлари олиб борилди. Самарқанддаги XIV-XV аср ёдгорлиги

саналган Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибиҳоним масжиди, Бухородаги X-XII асрга мансуб ёдгорликлар — Сомониёллар ҳамда Мир Араб мақбаралари, Масжиди Қалон, Арк девори, Шахрисабздаги Оқсарай, Хивадаги Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Тошқовли, Қўрғондаги Худобёрхон Урдаси, Қаршидаги Кўкғумбаж мажмуаси, Одина масжиди, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари


Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий қўмида фаолиятда икки томонлама фойда қилувчи туркум ҳамкорлик йўлга қўйилди. ЮНЕСКОнинг марказий қўмиталари билан ўрнатилган алоқа ана шу ҳамкорлик самараси бўлиб хизмат қилаётди. 1993 йилда ҳукуматимиз Ўзбекистон маданий мероси билан бирга бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган ёдгорликларни сақлаб қолиш стратегиясини ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотларга мурожаат қилган эди. Бу соҳада ЮНЕСКО ва ЮНДП билан битим имзоланди. Мазкур дастур доирасида Бухородаги Чор Минор мадрасасининг кулаб кетган минорасини қайта тиклаш ва Самарқанддаги Тилла қори мадрасасининг фарбий қисмидаги деформацияларни бартараф этиш бўйича шошилинч тадбирлар ва Термиз шаҳри яқинидаги Буддавийлик эҳромни, «Файёзтепа» археология ёдгорлигини илмий ўрганиш ва консервация ишлари амалга оширилди. ЮНЕСКОнинг ёрдამи туғайли Ўзбекистонга маданий



ёдгорликларни муҳандислик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун «Инъекциялаш қурилмаси» ва Тилла қори мадрасасида замин ўтиришини қайд этивчи компьютер узаткичи мосламалар келтириб ўрнатилди. Ушбу нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлашдаги бир қатор долзарб муаммоларга бағишлаб Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шахрисабз шаҳарларида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Хуллас, сўнгги йилларда мамлакатимиз табиати, бой ва бетакрор тарихий обидаларини қўришга интилаётган хорижий сайёҳлар сони кескин ортиб бормоқда.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий қўмида фаолиятда икки томонлама фойда қилувчи туркум ҳамкорлик йўлга қўйилди. ЮНЕСКОнинг марказий қўмиталари билан ўрнатилган алоқа ана шу ҳамкорлик самараси бўлиб хизмат қилаётди. 1993 йилда ҳукуматимиз Ўзбекистон маданий мероси билан бирга бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган ёдгорликларни сақлаб қолиш стратегиясини ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотларга мурожаат қилган эди. Бу соҳада ЮНЕСКО ва ЮНДП билан битим имзоланди. Мазкур дастур доирасида Бухородаги Чор Минор мадрасасининг кулаб кетган минорасини қайта тиклаш ва Самарқанддаги Тилла қори мадрасасининг фарбий қисмидаги деформацияларни бартараф этиш бўйича шошилинч тадбирлар ва Термиз шаҳри яқинидаги Буддавийлик эҳромни, «Файёзтепа» археология ёдгорлигини илмий ўрганиш ва консервация ишлари амалга оширилди. ЮНЕСКОнинг ёрдამи туғайли Ўзбекистонга маданий

ёдгорликларни муҳандислик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун «Инъекциялаш қурилмаси» ва Тилла қори мадрасасида замин ўтиришини қайд этивчи компьютер узаткичи мосламалар келтириб ўрнатилди. Ушбу нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлашдаги бир қатор долзарб муаммоларга бағишлаб Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шахрисабз шаҳарларида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Хуллас, сўнгги йилларда мамлакатимиз табиати, бой ва бетакрор тарихий обидаларини қўришга интилаётган хорижий сайёҳлар сони кескин ортиб бормоқда.



Тарихий ҳақиқатнинг тан олиншига доир яна бир фикр: 1991 йилда Хивадаги «Ичан қалъа», 1993 йилда Бухоронинг тарихий марказидаги ёдгорликлар, 2000 йилда Шахрисабз ёдгорликлари, 2001 йилда эса Самарқанддаги осору атиқалар «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати»га киритилди. — Ўзбек туризмнинг истиқбол хусусида нима дейсиз?

Суҳбатдош: Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Insonga naf keltirish
 O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
 oliy baxt
 Muassis:
 O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
 Bosh muharrir:
 Abduxoliq Abdurazzoqov
 Tahrir hay'ati:
 Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYIROV, Aliasxon AKBAROV, Oysulov NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV
 Bo'limlar:
 Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
 Reklama va e'lonlar 256-87-73
 Manzilimiz:
 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
 E-mail: mail@ishonch.uz
 Nashr ko'rsatkichi:
 133
 Navbatchi muharrir:
 A.Qodirova
 Navbatchi: Sh. Abdusamadov
 Musahhah: N.Rahimova
 Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahilalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov
 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
 O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.
 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
 «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifati va ma'muriy mas'uliyatni ta'minlash uchun ushbu gazeta nomi ko'rsatilib shart. Muxalifat fikri bahriyoy nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.
 T - Tijorat materiallari
 Bosishga topshirish vaqti - 18.00. Topshirildi - 20.35
 Bujurtma Γ - 352
 19324 nusxada bosildi
 ISSN 2010-5002
 1 2 3 4 5